

## ФАРГОНА ФИҚҲ МАКТАБИ АЛЛОМАЛАРИ АСАРЛАРИДА ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК, ИЛМ ВА МАЪРИФАТ МАСАЛАЛАРИ

**Қориев Одилжон Аҳмаджонович**

ЎзР ФА ШИ “Исломшунослик ва ижтимоий фикр” бўлими мудири,  
тарих фанлари номзоди, доцент [o.ahmad@mail.ru](mailto:o.ahmad@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Мақола ўрта асрларда Фарғона минтақасида фаолият юритган илмий марказлар ва улардан етишиб чиққан ислом илмлари алломалари илмий мероси масалаларига бағишиланган. Унда ўрта асрлар қўлёзма манбаларидаги маълумотлар асосида Фарғона фиқҳ мактабининг йирик вакилларидан бири Сирожуддин ал-Ўший асарларида диний бағрикенглик, илм ва маърифат мавзусининг ёритилиши ўрганилган.*

**Калим сўзлар:** илмий марказ, илм, маърифат, манба, қўшлёзма, Фарғона, ўрта асрлар, фиқҳ, Сирожуддин ал-Ўший, ислом.

### ABSTRACT

*The article is devoted to the issues of the scientific heritage of scientific centers operating in the Fergana region in the Middle Ages and scholars of Islamic sciences who emerged from them. This article was studying based on the information from the medieval manuscript sources, the coverage of religious tolerance, knowledge and enlightenment by the works of Sirojuddin al-Oshii, who is one of the major representatives of the Fergana school of jurisprudence.*

**Key words:** scientific center, knowledge, enlightenment, source, manuscript, Fergana, middle ages, fiqh (jurisprudence), Sirojuddin al-Ushii, Islam.

### КИРИШ

Фарғона водийсидаги Марғилон, Кубо, Ахсикат, Ўзганд, Ўш, Косон, Андукон каби йирик шаҳарлар илм-маърифат марказлари бўлганлиги тарихий манбаларда зикр қилинади[4]. Бу маълумотлар кейинги даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари билан ҳам тасдиқланган[1].

Фарғона фиқҳ мактабининг ўрта асрларда яшаб ўтган аксарият алломалари ислом илмларнинг турли йўналишларида ижод қилганлар. Ислом дини бошқа илохий динлар қатори теран фалсафий негизларга алоқадор бўлганлиги боис ислом илмлар соҳасида битилган деярли барча турдаги асарларда чуқур фалсафий ғоялар устивор эканлигига гувоҳ бўламиз.

Мактабнинг Фахруддин Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ал-Ўзгандий ал-Фарғоний (ваф.1196), Сирожуддин Али ибн Усмон ибн Мухаммад ибн

Сулаймон ал-Ўший ал-Фарғоний ал-Ҳанафий (ваф.1173), Бурхонуддин ал-Марғиноний (1118-1197), Ҳусомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Аҳсикатий (ваф.1247) каби ўнлаб вакиллари ўз асарларида юксак инсоний фазилатлар, илм маърифат ва диний бағрикенглик ғояларини гўзал услубларди талқин қилганлар.

Мазкур алломалар қаторида Сирожуддин ал-Ўшийнинг илмий мероси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Аллома асарларида жамият ҳаётида илм, баркамол инсон тарбиясида билимнинг ўрни ва моҳияти, диний бағрикенглик хусусидаги фалсафий қарашлари алоҳида эътиборга лойик.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД**

Сирожуддин Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Ўший ал-Фарғоний ал-Ҳанафий ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги ўрта аср манбаларида келтирилган маълумотлар қисқа. Манбаларда унинг фақат тахминий вафот этган йили зикр қилинади. Масалан, Ҳожи Ҳалифанинг “Қашф аз-зунун” асарида унинг 569/1173 йилда ҳаёт эканлиги “Кана ҳайян фи санати 569” (569 йилда ҳаёт эди) ибораси билан зикр қилинган[7]. Тарихчи олим Маҳмуд Ҳасаний ҳам ўз мақолаларида алломани айнан шу йили яъни 569/1173 йили вафот этганлигини таъкидлаганлар[6]. Эҳтимол манбаларда кўрсатилган санадан кейинги даврда аллома ҳаёти ва илмий мероси хусусида хеч қандай маълумотлар йўқлиги шундай холоса қилишга асос бўлган. Сирожуддин ал-Ўшийни Мавлоно Соқий балоғат илмида етук шоир ва йирик мутакаллим олим деб атаса[3], Дехҳудо “Луғатнома” асарида бу зотнинг лақаби Сирож уд-Дин (“Диннинг чироғи”) бўлиб, ўзи адаб ва шоир эканини қайд этади[2;6]. Биз бу мақоламиизда Сирожуддин ал-Ўшийнинг “ал-Фатава ас-Сирожий” (“Сирожуддин фатволари”) деб номлангани асари асосида алломанинг фалсафий қарашлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

## **МУҲОКАМА**

Асар ислом ҳукуқшунослиги соҳасига бағишлиган бўлса-да, унда айнан олам, борлик ва йўқлик муаммолари, маънавий ва моддий дунё ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги, сабаб ва оқибат, зарурат ва тасодиф, имконият ва воқелик қўйингки фалсафий мезонларга алоқадор қатор масалалар ўз аксини топганига гувоҳи бўламиз. Зеро, жамият ҳаёти муайян қонун қоидалар асосида идора қилинар экан, қонунларда ва ҳукуқий меъёрларда ҳаёт, ўлим, яшаш, ривожланиш, жамият аъзоларининг турли масалаларда ўзаро муносабатга киришлари, ҳақиқат ва уни билиш, бу ҳақиқатнинг тантанаси ва адолатни

таъминлаш каби маънавий, ахлоқий ва фалсафий категориялар мужассамлиги табиий ҳолдир.

Олим ўрта асрлар мусулмон жамиятининг вакили сифатида, диний илмлар пешвоси мақомида (бундай дейишимизга сабаб баъзи манбаларда у зотни ҳатто “имам ул-ҳарамайн”, яъни икки ҳарам имоми деган ниҳоятда юксак ном билан аталган) табиийки билиш, илм, маърифат тушунчалари ва бу тушунчаларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсири мавзуларини муқаддас ислом дини таълимоти асосида талқин қилган. Олимнинг фикрича ҳар бир нарсанинг муайян асоси бўлади, шу жумладан билишнинг асоси илмдир. Бу ҳақдаги мулоҳазалар баёнига киришган олим дастлаб Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Ҳар бир нарсанинг устуни бўлади, бу диннинг устуни – фикҳдир”[3] деган ҳадисларини келтиради. Гап шундаки Сирожиддин ал-Ўший билиш ва илм мезонларини талқин қилишда ҳанафия мазҳаби талабларидан, колаверса бу мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собитнинг фикҳ сўзига берган таърифидан келиб чиқади. Абу Ҳанифа фикҳ сўзига “Фикҳнинг истилоҳдаги маъноси-кишини ўзининг ҳуқук ва мажбуриятларини мукаммал билишидир” деб таъриф берган эди[5].

Олим илм олиш, билиш ва бу билимларни энг эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида сарф қилиш ғоясини таъкидлар экан “Аллоҳ таоло ҳузурида мажлисларнинг энг афзали фикр қилишга йўналтирилган мажлисдир, зоро унда Аллоҳ таолонинг ҳужжатлари (ҳикматлари) мазмун моҳияти очилиб боради” деган ҳадисни келтиради. Демак, оламни билиш, илмли ва маърифатли бўлиш фикрлаш орқали бўлади, ҳеч бир нарсага кўр-кўrona эргашиш мусулмон кишисининг йўли эмас. Модомики оламни билиш барча эзгуликнинг ва тараққиётга эришишнинг ягона йўли экан табиийки олим ҳар бир мусулмон илм олиш йўлини тутиши лозимлигини таъкидлайди. Бу ўринда муаллиф яна бир нарсага ислом динида илм олиш ҳар бир кишининг ихтиёрий иши эмас, балки ҳар бир мусулмон илм олиши шарт эканлиги ғоясига эътиборни қаратади. Мазкур фикрнинг асоси сифатида муаллиф Муҳаммад алайҳиссаломнинг навбатдаги кўрсатмаларини келтиради:- “Илм истамоқлик ҳар бир муслимнинг зиммасидаги фарзdir. Чунки Аллоҳ таолонинг ҳузурида илм истагида ўтган бир кун ўн минг йилдан афзалдир”. Қиёсда муайян маънода муболаға бор, албатта. Бироқ ислом таълимоти илм ва илмли инсонларнинг даражаларини таъкидлашда айни шундай услубни танлагани бошқа манбаларда ҳам тез-тез кўзга ташланади. Жумладан, илмли одамлар даражасини ифода этувчи яна бир машҳур ривоятда фикҳ илмини билиб туриб ибодат қилувчи бир мусулмон, бундай илмга эга бўлмай ибодат қилувчи мингта мусулмондан

афзалдир дейилади. Демак, исломнинг мақсади ибодатгина эмас, балки аслида ибодатдан ҳам мурод илмга интилиш, мукаммал илмга эга бўлиб, зиёли бўлган ҳолда яратганга қуллик қилишдир. Зоро, фақат зиёли инсонгина гўзал хулқли, холис ниятли ва тўғри қалбли бўла олади. Бир сўз билан айтганда фақат шундай инсонгина гўзал бўла олиши мумкин.

Олим бу асарда илм ва илмли инсонларнинг хислатлари ва уларнинг жамият учун қанчалик зарур эканликлари хусусидаги аниқ бир фикрни таъкидлашда давом этади. Илм истаган киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Бу нарса дунёдаги кўп яхши ишлардан устун нарсадир. Пайғамбар алайҳиссалом бу ҳақда шундай деганлар: “Кимки илм олишга киришса, унинг олдинги барча қилган хатолари кечирилади”[3]. Демак, илмга интилган нафақат кейинги эришадиган ютуқлари учун мукофотланади, балки ўтган умри ҳам тақдирланади, зеро илмли инсон ҳеч қачон ёмон ишга қўл урмайди.

Сирожуддин ал-Ўший Пайғамбар алайҳиссаломнинг: “Киёмат куни олимларнинг мартабаси шаҳидларнинг қонлари билан бир тарозида тортилади ва шунда олимларнинг мартабалари шаҳидлар қонидан оғирроқ келади”[3] - мазмунидаги ҳадислари мисолида Аллоҳнинг розилигига эришиш учун ўз жонига қасд қилиб қон тўкишдан кўра илм ўрганиб, олим бўлмоқлик афзал эканлиги ғоясини илгари суради. Олим бўлиб, дунёни обод қилиб Аллоҳнинг розилигига эришиш ҳам дунёвий, ҳам ухравий саодатга элтадиган йўл эканлигини уқтиради.

Асарда илм ва маърифатга оид фалсафий фикрларнинг яна бир эътиборга молик жиҳати олимлик ва илм даъвосида бўлган, лекин аслида ножинс кишиларга нисбатан муносабат масаласидир. Муаллиф илм ва олимликнинг даражалари ва уларга лойиқ топилган мукофотлар ҳақида сўз юритиш билан бирга уларнинг масъулияtlари масаласини қуйидаги ҳадис воситасида кўрсатади: “Кимки фақат юқори мартаба илинжида ва одамлар қўзида сохта обрў орттириш ниятида риё билан илм ўрганса бундай одам бирон бир дўзахда унга тенги бўлмаган қаттиқ азоби бўлган дўзахга тушади ва у ерда ҳеч бир азоб унга teng кела олмайдиган даражадаги кучли азоб билан азобланади”[3]. Демак, илм кишини ўз ишининг устаси бўлган юқори малакали ва етук мутахассис бўлиш мақсадида, пировард натижада ўз салоҳияти билан жамиятга, миллатга манфаат келтирадиган инсон бўлиб етишиш йўлида ўрганилиши лозим. Бу ўринда муаллиф акс ҳолда мутакаббирлик ва нопоклик йўлини тутган “илмли” кимсалар қақшатқич жазога лойиқ бўлишларини ҳам эслатиб ўтади.

Олим одамнинг илм олишга, билим ва зиё тарқатишга бўлган ҳаракатлари самарасиз кетмаслиги ғояси ҳам муаллиф томонидан жуда усталик билан ифода

этилган. Табиийки, бу ҳолда ҳам асарнинг услубида келиб чиқсан ҳолда ривоятга мурожаат қилинади: “Ривоятларга кўра, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга илм ва мол-мулқдан бирини танлашни буюради. Сулаймон алайҳиссалом илмни танлайди. Шунда Ҳақ таоло у зотга ҳар иккисини илмни ҳам, мол давлатни ҳам ато этган”[3].

## НАТИЖА

Асарда умумэътироф этилган илоҳий динларга нисбатан эҳтиром руҳининг мавжудлиги бизнинг назаримизда олимнинг ислом динига хос бўлган бағрикенглик тамойилларини ўз асарларида чуқур фалсафий маънода изҳор этиб берганлигининг намунаси сифатида зоҳир бўлади. Масалан, асарда айни илмнинг фазилатлари ҳақида сўз юритилаётган ўринда қуйидаги ибратли ҳикоят зикр қилинади. “Исо ибн Марям салавотуллоҳи алайҳи: Эй илм эгаси, билмаган нарсангни илмдан ўрган, билмайдиган кимсаларга эса билимингдан ўргат - деганлар”[3].

Барча ахли сунна мазҳаблари орасида факат ҳанафий мазҳабида фикҳий масалалар бўйича хукм чиқаришда маслаҳатлашув асосида қарор қабул қилиш амалиёти жорий қилинган. Бу ҳақда ал-Ўший шундай деб ёзди: “Абу Ҳанифа бошқа бирон алломанинг фаолиятида кузатилмаган бир нарсага қўл урди. Бу зот ўз мазҳабларида маслаҳатлашув (шуро) амалиётини жорий қилган. Бирон бир масалани ўз обрўси кучи билан ўтказишга уринмаган. Амалда ҳар бир масалани битта-биттадан сафдошлари муҳокамасига ҳавола қилган ва мазкур масала хусусида уларнинг фикрларини билиш мақсадида мунозара қилишга чақирган. Шу тариқа ўртага ташланган масаланинг энг тўғри ечимини қабул қилиш йўлидан борган”[3]. Кўриниб турибдики, миллат ва жамият ҳаётига оид масалалар юзасидан хукм чиқаришда турли фикрлар орасидан энг тўғрисини танлаб олиш, яъни замонавий тушунчада демократик йўл билан қарор қабул қилиш тамойили бир неча аср бурун мусулмон шарқида, бизнинг мазҳабимиз асосчиси томонидан жорий қилингани диққатга сазовордир.

Сирожуддин ал-Ўший асарларида олимларнинг жамиятдаги ўрни, уларга юклатилган масъулият, одоб ахлоқ ва жамият аъзоларининг юксак маънавий тарбияси хусусида сўз юритади. Жулмладан, доимий ибодатда бўлиши лозим бўлган мусулмонга қарата, илм ҳақида фикр қилишнинг ўзиёқ рўза тутиш баробаридаги ибодат эканлигини, бирорвга дарс айтиш эса кечаси билан қилинган ибодатга тенг бўлишини уқтиради. Илмга интилган инсон муҳтожликдан ҳоли бўлишини “Кимки илм қидирса, Аллоҳ унинг ризқига кафилдир” деган ҳадисга асосланган ҳолда тарғиб қиласди.

Алломанинг илм ва маърифатнинг инсоният учун аҳамияти хусусидаги фалсафий қарашларининг асосини илм ва олимдан инсонлар учун, жамият учун манфаат етган тақдирдагина улар ўз вазифасини бажарган бўлишилиги ҳақидаги фикрлар ташкил этади.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда Сирожуддин ал-Ўшийнинг зиё, илм, маърифат, одоб ва ахлоқ мавзусидаги фалсафий қарашларининг энг асосий ғояси, мазмун ва моҳиятини алломанинг қўйидаги сўзларидан ошириб ифода этиб бўлмайди: - Илм ўзи аслида ўлик бир нарса. Уни тирилтириш илм истамоқлик билан бўлади. Илм уни истамоқликдан тирилган ҳолда ҳам заиф бир нарсадир. Уни қувватлантирадиган нарса ўкиб ўрганишdir. Ўқиш орқали қувватланган илм ҳам ҳали парда ортидаги бир нарса кабидир. Уни парда ортидан рўёбга чиқармоқлик эса шу илмни тарафдори-ю мухолифи билан мунозарага кириш билан амалга ошади. Рўёбга чиқсан илм ҳам ҳали ўз-ўзича ҳосилсиз бир нарсадир. Бу илмнинг ҳақиқий самараси ва натижаси унга амал қилишликдир».

Демак, ислом маърифатини ўрганиш борасида турли қўлёзма манбалардаги ўзига хос талқинлар, уларда янги-янги фалсафий ғоялар кашф этиш имконияти, қўлёзма асарларни тадқиқ этиш ва ўрта аср манбаларига эътиборни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Анорбоев А., Исломов У., Матбоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Т.: “Фан” 2001. – 68 бет.
2. Деххудо. Лугатнома. З-жилд. – Техрон, 1952. 3127- бет.
3. Сирожуддин ал-Ўший. Фатовойи Сирожийя. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. №3009, – В.1а.
4. Шиҳобуддин Абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Китоб музкам ал-булдон. – Қохира. 1906.
5. Қориев О. Ал-Марғиноний-машхур фикҳшунос. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 2000. – Б. 6.
6. Ҳасаний М. Сирожуддин ал-Ўший муҳаддис ва фақиҳ олим. – Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2002. №2. – Б.115-116.
7. Haji Khalifa. Lexicon bibliographicum et enclopedicum a Mustafa bin Abdallah Katib Jalabi, instruxit Gustavus Fluegel.-London. 1858. V-VI, P. 648-656.